

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —  
апрель

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Х.МУХАММЕДОВА</b>	
Викториан инглиз адабиётида аёл тақдирининг акс эттирилиш.....	73
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>К.КАРИМОВ</b>	
Маданиятлараро мулоқот ва таржима муаммолари.....	76
<b>У.НОСИРОВА</b>	
Поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари .....	80
<b>Н.АХМАДЖОНОВ</b>	
Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг кўзгусидир .....	83
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Д.ОХУНОВА</b>	
Талабалар онгида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини шакллантириш асослари .....	86
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А.ЎРИНОВ, Ф.ФОЗИЛОВА</b>	
Коеффициенти узилишга эга бўлган оддий дифференциал тенглама учун умумлашган спектрал масала .....	89
<b>Ш.КАРИМОВ, Л.РАХИМОВА</b>	
Векуа-Эрдей-Лоундес типига янги алмаштириш операторларни қуришнинг бир усули ҳақида.....	92
<b>Х.ШОДМОНОВ, Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлаги – қимматбаҳо техник экин.....	94
<b>А.ҚАМБАРОВ, А.НУРМУҲАММАДЖОНОВ</b>	
Шайх Акбар (Улуғ Шайх)нинг диний-фалсафий меросига бир назар .....	97
<b>У.НАЗИРОВ</b>	
Бадий маданият: мазмун-моҳияти, структура ва функциялари.....	100
<b>А.КОСИМОВ</b>	
XX аср ўзбек ва рус адабиётида тинчлик ва инсон тушунчаси (талқини ва тадқиқотлари).....	102
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстойнинг “Иқрорнома”сида шарқона қарашлар ҳамоҳанглиги .....	105
<b>А.МАМАТОВ, Р.АХРОРОВА</b>	
Концептнинг тоифалари.....	108
<b>К.ХОДЖАХАНОВА</b>	
Мактаб ўқувчиларида натурадан расм ишлашга ўргатишнинг дидактик имкониятлари.....	110
<b>Б.ҚУРБОНОВА</b>	
Ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини тасвирий санъат орқали тарбиялаш омиллари.....	113
<b>Н.МЕРГАНОВА</b>	
Хорижий тил дарсларида ноанъанавий методлардан фойдаланишнинг ўзига хос аҳамияти.....	115
<b>Э.ДЖАББАРОВА</b>	
Модуляр таълим инновацион таълим сифатида .....	118
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПЎЛАТОВ</b>	
Ўзлуксиз таълим жараёнида тасвирий санъат дарсларида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари .....	121
<b>АДАБИЙ ТАҚВИМ</b>	
<b>Ибратли ҳаёт йўли.....</b>	124
<b>ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
<b>Библиография.....</b>	127

УДК: 808+8-5

## ПОЭТИК НУТҚНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

У.Носирова

**Аннотация***Мақолада поэтик нутқнинг прагматик хусусиятлари тадқиқ этилган.***Аннотация***В статье исследуются прагматические особенности поэтической речи.***Annotation***In this article some pragmatic features of poetic speech are researched.*

**Таянч сўз ва иборалар:** поэтик нутқ, прагматика, лексема, коммуникатив ният, прагматик майдон, прагматик салоҳият.

**Ключевые слова и выражения:** поэтическая речь, прагматика, лексема, коммуникативная цель, прагматическое поле, прагматический потенциал.

**Keywords and expressions:** poetic speech, pragmatics, lexeme, communicative wish, pragmatic field, pragmatic potential.

Прагматика фани шаклланишининг илк босқичлари XIX аср охирлари ва XX аср бошларидаги Ч.Пирс, У.Джеймс, Д.Дьюи, Ч.Моррис каби олимларнинг фалсафий концепцияларига асосланади. Дастлаб прагматика тушунчаси лисоний вазият структурасини (сўзловчи ва тингловчи муносабатлари сифатида) динамик процессуал аспектда ўрганишга бағишланган семиотик илмий тадқиқотларда қўлланила бошланди.

Тилшуносликда семантика соҳасининг оғзаки нутқнинг ижтимоий лингвистик ва бошқа нолингвистик компонентларини етарли даражада тушунтира олмаслиги прагматиканинг вужудга келишига сабаб бўлди. “Прагматика” юнонча *pragma* сўзидан олинган бўлиб, “иш”, “ҳаракат” деган маъноларни билдиради.

Айрим тилшунослар прагматикани матндаги муносабатларга боғлиқ равишда ўрганувчи фан деб ҳисобласалар, бошқалар уни кўзлаган мақсадни қўлга киритиш учун лисоний воситалардан фойдаланиш усуллари, деб эътироф этдилар. Қандай бўлмасин, прагматика нутқ жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда кўрилади ва социолингвистика ҳамда семантика билан уйғунликда иш олиб борувчи тадқиқотнинг янги соҳаси ҳисобланади.

Бугунги кун тилшунослигида назарий прагматика, прагмалингвистика, матн прагматикаси, таржима прагматикаси юзасидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида

поэтик нутқ прагматикаси ва уни ифода этувчи тил бирликларининг структуравий хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шеърят ва прагматика, бир қарашда, мазмун-моҳияти жиҳатидан бири-биридан фарқли бўлган тушунчалардек туюлади. Прагматикада мақсадга мувофиқлик, натижага йўналтирилганлик, ҳаракатнинг афзаллиги етакчилик қилса, шеърятда юксак ижодкорлик, ҳиссиёт, кенг дунёқараш, бадиий ифода устунлик қилади. Прагматиканинг асосий йўналиши бўлган турли ҳаракатлар, яъни саволлар, хабарлар, ваъдалар, миннатдорчилик, маслаҳат, сўровлар ва бошқа мулоқот жараёнлари поэтик нутқда муаллифнинг бадиий ифодаси остида намоён бўлади. Шеъринг матнининг прагматик потенциали тилнинг прагматик таъсир кучи сифатида муаллифнинг лисоний воситалардан ўринли ва муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда қўллашнинг тақозо этади. Бу шеъринг матнининг прагматик мазмунини ташкил қилади. Ю.С.Степанов таъкидлаганидек, “Прагматика анъанавий стилистика ва қадимий риторика фанларининг тадқиқот объекти бўлиб келган лисоний муаммолар: мавжуд лисоний белгилар мажмуасидан ўз фикрини янада таъсирлироқ, образлироқ, коммуникатив вазиятга мос келадиган, аниқроқ, чиройлироқ лисоний воситалардан танлаб ифодалашни ўрганувчи коммуникатив муносабатларни ижтимоий контекстда тадқиқ қилувчи фандир” [4.55].

Маълумки, шеъринг матнда муаллифнинг (ахборот узатувчисининг) коммуникатив мақсади мулоқот жараёнининг асосий

*У.Носирова – ФарДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ тилларни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил тадқиқотчи.*

## ТИЛШУНОСЛИК

характеристикаларидан бири ҳисобланади ва бундай мақсад гўё атайлаб ҳосил қилинган коммуникатив интенция сифатида шеърӣ матн структурасида ва мазмунида лисоний воқеланади. Бундай коммуникатив мақсаднинг яна бир хусусияти у матннинг мазмунӣ ва структур тузилишига боғлиқлигида, рецепторга кўрсатган коммуникатив таъсирида ўз аксини топади.

Поэтик нутқда сўзловчининг руҳӣ ҳолати, унинг берилаётган ахборотга нисбатан муносабати тингловчига ўз таъсирини ўтказиб, маълум ҳаракатга ундаш нияти ифодаланади. *Ҳар қандай шеърӣ матнда муаллифнинг хусусӣ эмоционал муносабати, ички ҳис-туйғулари, руҳӣ ҳолати ҳамда бош мақсади бевосита шеър мисраларида ифодаланган гаплар мазмунидан англашилиб туради. Шунга кўра, шеърӣ матн прагматикасининг куйидаги турлари фарқланади:*

- констатив (хабар, таъриф, тасдиқ, дарак бериш мазмуни ифодаланганда);
- предикатив (тахмин, башорат қилиш мазмуни ифодаланганда);
- директив (буйруқ, илтимос, савол, таъқиб каби мазмунлар ифодаланганда);
- комиссив (ваъда бериш, таклиф қилиш);
- акнолежмент (табрик, такаллуф, эҳтиром кабилар)
- авторитатив (ижозат бериш, маслаҳат бериш каби мазмунлар ифодаланганда) [1.85].

Шеърӣ матннинг прагматик хусусиятларини тадқиқ қилиш аслият тилидаги лисоний бирликларнинг коммуниктив моҳиятини аниқлаш, бу ўринда лирик қаҳрамон характерини, коммуникатив интенциясини, прагматик мақсадни ифодалаш жараёнида юз берадиган мулоқот вазиятининг таъсири, шу орқали бадий асарнинг прагматик мазмунини лисоний ва нолисоний воситалар орқали ифодаланиш усул ва воситаларини аниқлаш имкониятини беради. Бунда сўзнинг «луғавий» маъноси ифодаланмишнинг мазмунини аниқлаш учун хизмат қилса, контекстуал маъноси материал ифодалаган белгининг интенционаллигини, яъни бирор мақсадга йўналтирилганлигини, конкрет предметга алоқадорлигини билдириб келади. Бинобарин, фикрнинг семантик-синтактик қурилиши умумий ҳолда муаллифнинг когнитив билими ва коммуникатив мақсадларини ўз ичига олувчи прагматик тажрибасини акс эттиради. *Шеърӣ матнда, биринчи ўринда, муаллифнинг сўз қўллаш маҳорати туради. Бу эса поэтик нутқ прагматикаси билан*

тилшуносликнинг лексикология саҳасининг ўзаро муносабатини ифода этади.

Лексема семемасининг таркибий қисмларида нейтрал, услубий бўёқдорлик ва уларнинг нутқдаги қўлланиш вазифасига кўра ҳис-ҳаяжон белгилари (лексема семемасига хос ҳис-ҳаяжон семантикаси) нинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан лингвистик прагматиканинг заҳираси саналади [2.41]. Шеърӣ матнда муаллиф ўз ички мақсадини нутқда баён қилиш учун услубий бўёқдорликка эга бўлган лексемалардан фойдаланади. Лексик бирликларнинг прагматик хусусиятлари луғавий структурада мавжуд бўлиб, ижобий ёки салбий бўёғи прагматик маънони шакллантириш учун хизмат қилади. Шеърӣ матнда муаллиф нияти ва контекст талаби билан лексеманинг ўз маъноси ўзгариб, тағмаёно биринчи планга кўтарилади. Тағмаёно сўзловчининг коммуникатив мақсадини амалга оширади. Буни М.Юсуфнинг «Қора қуёш» достонидан келтирилган парчада кўришимиз мумкин:

Менга жуда азиз  
Унинг сиймоси,  
Бир қарасам,  
Йўқдек сира қиёси.  
У бир бағридарё,  
Бир бағритошдир,  
У бир қуёш

Аммо -  
Қора қуёшдир! [3.197]

*Шоир «Қора қуёшдир!» мисрасида лирик қаҳрамонни қуёшга қиёсламоқда, бироқ, табиатда Қуёш қора эмас, сариқ рангда бўлиб, оламга тенг нур таратади. Барча тирик жонга иссиқлик қувватини бериб, ҳаёт бахш этади. Нима учун шоир достонда Қуёшни «сариқ» эмас, «қора» деб тасвирлаган? - деган савол туғилади.*

*Тилшунос олимлар Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов семема таркибий қисмларини аташ, ифода ҳамда вазифа семаларига ажратади. Бу семалар ичида ифода семаси айни прагматика учун тадқиқот объекти бўлади. Уларнинг таъкидлашича, аташ семалари объектив оламдаги нарса, буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни номлайди ҳамда киши хотирасидаги тушунчалар билан семалар алоқасини белгилайди. Сўз контекстда ўзининг функционал қўлланиш ўрнини ўзгартириши билан аташ семаси ўрнида сўзловчининг конкрет муносабатини баён қилувчи ифода маъноси биринчи даражали мавқени эгаллайди, натижада прагматик таҳлилга эҳтиёж сезилади [4.40].*

*Шоир Қуёшни “сарик” эмас, “қора” рангда тасвирлаб, лирик қаҳрамон характеридаги салбий томонларни «қора» сўзи замирига жойлаган. Лирик қаҳрамон таърифини бундай чизгилар остида бериш орқали шоир шўролар давридаги воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар беради, тингловчи эса муаллифнинг воқеликка бўлган муносабатини англайди ва хулоса чиқаради.* Рецептор узатилаётган ахборотни қабул қилар экан, шеърий матнда ифодаланган ахборотга нисбатан муайян хусусий муносабатга киришади. Натижада муаллифнинг (ахборот узатувчининг) коммуникатив мақсади ахборотни қабул қилувчининг хусусий муносабатлари билан прагматик майдонда умумлашади.

*Прагматик майдон тушунчаси остида матн муаллифининг объектив борлиққа, шунингдек, ўзи ифодалаётган фикрга муносабатини ифодалаш функцияси нуқтаи назаридан тил ва нутқ бирликларининг ўзаро маълум бир системани ҳосил қилиши назарда тутилади [2.140]. Бунда муаллифнинг прагматик салоҳияти етакчилик қилади.*

Прагматик салоҳият — бу, матндаги маълумотнинг тингловчига прагматик таъсир ўтказиши, яъни шеърий матнда акс эттирилаётган маълумотнинг тингловчи ҳиссиётларига таъсир кўрсатиши, муайян эмоционал реакция уйғотишидир. Шеърий матннинг бутун таркибида жойлашган семантик маънони очиб бериш, бадиий мулоқотни амалга оширишда муайян тил ресурсларини тўғри танлаш, бадиий ва эстетик муаммоларни ечишда рамзлардан ўринли фойдаланишни талаб қилади. Чунки шеърий асарнинг рамзий маъноси муаллифнинг ўзига ҳослигини намоён қилишнинг асосий соҳаси ва муаллифнинг ўзи бадиий ҳақиқатнинг яратувчиси эканлигини кўрсатади.

Шеърий матнда прагматиканинг асосий аспектларини аниқлашда тил воситаларини танловчи муаллиф (гапирувчи) ва китобхон (тингловчи) тушунчалари уларнинг ижтимоий мавқелари (статуслари), коммуникатив актдаги шарт-шароитлар биринчи планга чиқади. Шу

нуқтаи назардан поэтик нутқда прагматик муносабатларнинг учта тури иштирок этади:

*биринчидан,* ахборотнинг манбаи (муаллиф ёки ахборот узатувчи) орқали ифодалаётган прагматик муносабатлар бўлиб, бундай прагматик муносабат ахборот узатувчининг нияти ва мақсадини, узатилаётган ахборотга шахсий муносабати ва рецепторга нисбатан режалаштирилган таъсирни ўз ичига олади.

*иккинчидан,* лисоний бирлик ифодалаётган прагматик маънони қамраб олган матн (фикр, жумла)да ўз ифодасини топади.

*учинчи тури,* ахборотни қабул қилувчи шахс (рецептор, тингловчи, китобхон)нинг матн орқали англаган ахборотга прагматик муносабатидир. Унинг бундай муносабатида ахборотни идрок қилиш жараёни, бу ахборотга ёки унинг узатувчисига муносабати ўз аксини топади [5.226].

Демак, ахборот қабул қилувчининг ахборотга нисбатан пайдо бўладиган прагматик муносабатлари нафақат муаллиф ва у яратган шеърий матнга, балки қабул қилувчи - тингловчи шахсига, билимларига, ҳаётий тажрибаларига, руҳий ҳолатига ва бошқа шу каби хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун Ч.Моррис прагматика тушунчаси объект ва унинг тил тизимидаги ифода-белгиси муносабатидан ташқари, ушбу белгини қўллаш шароити ва қўлловчи шахсга эътибор бериш эҳтиёжини қондиришга қаратилганлигини таъкидлаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шеърий матнда шоирнинг қабул қилувчи учун муҳим бўлган маълумотни узатиши, қабул қилувчига етказиши тил бирликларида намоён бўлса, ахборотни қабул қилувчининг қай тарзда қабул қилиши ва унга бўлган муносабати поэтик прагматикани юзага келтиради. Поэтик прагматикада нутқни шакллантириш ва тушуниш учун ҳаракат қилиш тизими мавжуд бўлиб, унда муаллиф билан китобхон ўртасида ахборот алмашилади.

#### Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т., 2008..
2. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.–Т.: Академнашр. 2013.
3. Муҳаммад Юсуф. Ишқ кемаси. –Т., 1991.
4. Негматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т., Ўқитувчи. 1995.
5. Комиссаров В. Н. Прагматические аспекты перевода // Сб. научн. тр. МГПИИЯ им. М. Тореза. – М., 1982, вып.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).